

Инновацион Ўқув Машғулоти Бошқариш Функциялари Модели, Шакллари Ва Лойиҳалаш Босқичлари

Каҳҳарова Саодат Баҳодировна

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти Амалий математика ва физика факултети
Математика ва информатика кафедрасининг ассистент

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида инновацион ўқув машғулотларини бошқаришнинг модели, шакллари ва лойиҳалаш босқичлари таҳлил этилган. Ўқув жараёнини ташкил этиш, режалаштириш, раҳбарлик қилиш, мотивация, таҳлил, назорат ва сифат мониторинги каби бошқарув функциялари атрофлича ёритилган. Замонавий педагогик технологиялар асосида таҳлилий ёндашувлар таклиф этилиб, таълим сифатини ошириш, талабалар фаоллигини кучайтириш ва таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилган. Таълим машғулотларини лойиҳалашнинг тўлиқ босқичлари ҳамда ички ва ташқи шакллари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари инновацион ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш ва бошқаришда стратегик режалаштиришнинг муҳимлигини намоён этади.

Калит сўзлар: Инновацион таълим, олий таълим, ўқув машғулоти бошқариш, педагогик технологиялар, дидактик режалаштириш, мотивация, таълим сифати

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида ўқув машғулотларини бошқариш хусусиятларига эътиборни қаратиш лозим. Ривожланган давлатлар даражасидаги кенг даражадаги билимдон, юқори малакали, рақобатбардош, тадбиркор кадрлар миллий тизимини яратиш каби бир қатор масалалар таълимнинг психологик асосини чуқур билиш, таълим оловчилар мустақил билим олишининг янги шакл, изчил йўллари излаб топишни, таълим оловчиларга мўлжалланган ўқув фаолиятини бошқаришнинг психологик тизимини вужудга келтиришни, ўқув машғулоти ташкил этишнинг янги методларини ишлаб чиқишни, қўллаб келинаётган методларни янада такомиллаштиришни талаб этади. Ушбу мақсадда инновацион ўқув машғулоти бошқариш функциялари модели ишлаб чиқилди.



1-расм. Иновацион ўқув машғулотини бошқариш функциялари модели

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда таълим тизимига бўлаётган муносабат, таълим муассасаларида яратилаётган қулайликлар, улардаги моддий-техник ва илмий-услубий таъминотнинг ривожланиши йўлида қилинаётган барча ижобий ишлар улар ривожига қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида ўқув машғулотни бошқарувини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

Таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, таълим олувчиларга сифатли билимларни беришда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, инновацион фаолиятни ташкил этишда, уларнинг бошқарувини илмий асосда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунга жамоа бирлиги, ташкилий, психологик муносабатлар, жамоада ўз-ўзини бошқаришнинг қай даражада ривожланганлиги, бошқарув фаолияти мазмуни ва услуби, касбий-психологик тайёргарлиги ҳамда шахсий хусусиятлари киради.

Ўқув машғулотни бошқарувини ташкил этишда раҳбарлар ўртасидаги муносабат масалаларини, бу муносабатларнинг ўзига хослигини ва уларнинг тарбиявий муносабатлардаги аҳамиятини, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳамда шахсий ва касбий ривожланишларига ўз таъсирини кўрсатувчи омилларнинг моҳиятини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Ўқув жараёнларини самарали амалга оширишга йўналтирилган структура ва компонентларни аниқлашда фаолият жараёнларининг хусусиятлари инобатга олинади. Бу жараёнларни асосан қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Асосий жараён ўқув машғулотининг асосий мақсадларига, кўзланган натижаларга эришишга йўналтирилган бўлади ва таъминловчи жараён уларнинг натижаларига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатмасда, унинг асосий вазифаларини бажариши учун зарурий шароитларни яратади ва таъминлаб беради.

Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқилган юқоридаги инновацион ўқув машғулотни бошқариш функциялари моделида асосий эътибор - инновацион ўқув машғулотига тайёргарлик стратегиялари (мақсадни қўйиш, прогноз қилиш, режалаштириш ва стандартлаштириш)ни ишлаб чиқиш, ушбу тайёргарликни оператив бошқариш (ташкил этиш, раҳбарлик,

таъминлаш ва мотивация) ҳамда бошқаришда таълим олувчилар билан тескари алоқалар (таҳлил қилиш, ҳисоб-китоб, назорат ва сифат мониторинги)га қаратилди. Бу ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлиги оширишга хизмат қилади.

Жадал суратлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари, таълим тизимидаги ислохотлар рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш истакларини қондиришга бўлган жамият эҳтиёжлари ва ўқитиш методлари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келди.

Ўқув машғулотида нисбатан технологик ёндашув мазкур жараёни такомиллаштириш, унинг самарасини таъминлаш ва бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг омили сифатида ташкил этилади. Ўқув машғулотида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга, мустақил фикр юрита оладиган ва дунёкараши кенг, мутахассислиги бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйишда муҳим ҳисобланади.

Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига гаровли эришиш имконини беради. Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабат ўқув жараёнини оқилона, аммо шу билан бирга ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

Дарслик яратувчи муаллифларнинг ҳам педагогик технология асосида ўқитишнинг хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳим. Қайд этиш жоизки, анъанавий ўқув жараёнида технологик ёндашувни тўлалигича эмас, балки элементларини қўллаш мумкин. Бу аввало, педагогик технологиянинг марказий нуктаси деб, жойлаш мумкин бўлган алоҳида ўқув мақсадларини аниқлаштириш йўлларига тегишли.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришиш ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, аввало, юзакиликда эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог илғор педагогик технологиялар, ўқув машғулоти жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи педагогик усулларни қўллай билиши лозим. У педагогик технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, уни ўқув машғулотлари жараёнига жорий эта олиши керак.

Бу жараёнга мазкур технологияларни жорий қилиш педагогдан ижодий изланишни талаб этади. Унда шаклланган билим, малака, ўқитиш воситалари, бу технология имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилиятлари мавжуд бўлса, у давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчиларга аниқ мақсадни белгилаб бера олиши мумкин. Белгиланган мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этишнинг шакллари яратилди. Шаклларни ишлаб чиқиш асосан тизимли ёндашув услуби, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетма-кетлигига асосланган ҳолда олиб борилди.

1-жадвал Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг шакллари

Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг умумий шакллари	Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг ички шакллари	Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг ташқи шакллари
Индивидуал	Кириш машғулоти	Дарс
Жуфтли	Билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш машғулоти	Ўйин

Гуруҳли	Амалий машғулот	Семинар
Жамоавий	Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш машғулот	Маъруза
Фронтал	Машғулотларни ташкил этишнинг комбинацияли шакли	Конференция
		Мустақил иш
		Экскурсия
		Лаборатория иши
		Факультатив машғулот
		Бошқа шакллар

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш жараёнларининг ривожланиши ўқув машғулотлари жараёнида педагогик технологияларга янги ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Миллий дастурда ушбу технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш, уларни таълим муассасаларига олиб кириш зарурати алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда педагогик технологияга қизиқишнинг кучайиши замирида маълум сабаблар мавжуд, яъни: ўқув машғулотлари самардорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги; фан-техника-технологиянинг кескин ривожланиши натижасида ахборот-маълумотлар ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги; замонавий техника ва технологияларни ўқув машғулотлари жараёнига татбиқ этиш, бу жараёнда ахборот технологияси ҳамда техник воситалардан фойдаланиш кераклиги; таълим олувчилар ва педагог фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, педагог таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, ўқитиш усуллари, методлари ва воситаларини мукамал эгаллаган бўлиши, таълим олувчининг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўлга йўналтира олиши лозимлиги; педагог ўқув машғулотлари жараёнини самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, унинг натижасини олдиндан қайд этиши, фанларнинг тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарур ўқитиш воситалари, шарт-шароитларини тайёрлашга эришиши кераклиги; ўқув машғулотлари учун зарур моддий-техник базанинг яратилган бўлиши; ўқув машғулотлари натижаларини ҳолисона баҳолаш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашини назорат қилиш ҳамда баҳолашни автоматлаштиришга эришиш кераклиги.

Педагог педагогик технологияларни амалиётга самарали жорий этиши учун: давр талабига мос ўқув машғулотлари мақсадини аниқ ва равшан белгилаши, мазкур жараён мазмунини фан дастури бўйича мукамал эгаллаши, мунтазам педагогик маҳоратини ошириб бориши, дидактик жараённи амалга ошириш билан таниш бўлиши, ўқув машғулотларини амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакл, усул, восита ва технологияларидан фойдалана олиши ҳамда таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиб, баҳолаб бориши лозим.

Педагогик технология лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув машғулотлари жараёнини ифода этади, яъни, бу технология ўқув машғулотлари жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Лойиҳалаш, мўлжалланган мақсад ва уни амалга ошириш усул ва воситалари йиғиндисини аниқлашдан иборат.

Бунда қуйидаги кетма-кетликда ишлар амалга оширилади: таълим технологиясини амалга ошириш вақтини аниқлаш; ўқув материалларини таҳлил этиш; мақсад ва вазифаларни ажратиб олиш; ўқув материалларини маълум тузилмага келтириш ва вақт бўйича тақсимлаш; билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш бошқичлари, шунингдек, шахснинг сифат ва фазилатларини ривожлантиришни аниқлаб олиш; таълим олувчиларни қизиқтириш усули ва воситаларини аниқлаш.


Таълим технологияси бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш. Таълим лойиҳасини тайёрлашда, лойиҳа педагог ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида педагог ва таълим олувчиларнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади. Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини Давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, машғулотликларда қандай акс этирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мазмуни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, педагог ва таълим олувчилар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади.

Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади. Бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралик назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида таълим олувчилар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, уларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир таълим олувчига якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материалларини янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш, якуний назоратнинг асосий вазифаси таълим олувчиларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган таълим олувчиларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Замонавий педагогик технологиялар таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб, то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади.

Юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, таълим олувчининг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Ўқув машғулоти жараёни лойиҳалаш босқичлари



Замонавий педагогик технологияларни мунтазам таҳлил қилиб бориш, лойиҳалаштирувчи воситаларнинг муҳимини танлаш усулларининг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш, олиниши зарур бўлган натижани олдиндан таҳлил қилиш, ўқув жараёнининг яхлитлигини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

Педагогик вазифани ҳал этишнинг бу босқичида ўзининг ва таълим олувчи фаолиятининг мазмуни, воситалари ва дастурларини лойиҳалашга нисбатан мустақил йўналтирилган, ўзаро узвий алоқада бўлган педагог фаолиятини кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, педагогик жараёни лойиҳалаш мазмуни, моддий ва фаолиятни лойиҳалаш технологиялари бирлиги сифатида намоён бўлади. Ўқув машғулоти жараёни лойиҳалаш босқичлари юқоридаги чизмада берилган.

Лойиҳалаш бевосита ўқув машғулоти шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад,

вазифалар билан таълим олувчиларни олдиндан таништириш; муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартибини эълон қилиш; мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш; таълим олувчиларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш; билишга қизиқиш ҳамда муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш; мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, улар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш; мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимчаларни белгилаш; мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш, бу жараёнда жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимчалар киритиш: мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш; оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу бўйича ахборот тўплаш; уларга ишлов бериш жараёнида таълим олувчилар эришган ютуқларни таҳлил қилиш; уларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш; гуруҳдаги ҳар бир таълим олувчига якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материаллини янада атрофлича ўзлаштиришга йўналтириш; таълим олувчиларнинг мавзу мазмунини ўзлаштиришларини аниқлаш, паст ўзлаштирганларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кузьмина, Н.В. Структура педагогических способностей / Н.В. Кузьмина // Педагогическая психология : хрестоматия : учебное пособие / Сост. Б.Б. Айсмонтас. – Москва : Московский городской психолого-педагогический университет, 2004. – с. 365-369.
2. Гладких В. Г. Теория и методика профессионального образования. Оренбургский государственный университет. ISBN 978-5-7410-2329-7. 2019.
3. Н.Л.Гумерова. ФОРМАТИРОВАНИЕ ГОТОВНОСТИ К ЦЕЛЕПОЛАГАЮЩЕЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В ВУЗЕ
4. ¹ Педагогика в 2 т. Том 1. Общие основы педагогики. Теория обучения : учебник и практикум для вузов / М. И. Рожков, Л. В. Байбородова, О. С. Гребенюк, Т. Б. Гребенюк ; под редакцией М. И. Рожкова. — Москва : Издательство Юрайт, 2023. — 402 с. — (Высшее образование). — ISBN 978-5-534-06487-2.
5. Бобылева О.А. Развитие идеи целеполагания в построении обучения в отечественной дидактике: середина 50-х – 80-е гг. XX века: дис. ... канд. пед. наук. Хабаровск, 2008.
6. ¹ Ильевич Т.П. Технология проектирования учебных задач в контексте личностно-ориентированного целеполагания: дис. ... канд. пед. наук. Ростов н/Д, 2001.
7. ¹ Лебедев О.Е. Теоретические основы педагогического целеполагания в системе образования: дис. ... д-ра пед. наук. СПб., 1992.
8. ¹ Коростылева Н.Я. Педагогическое целеполагание в современной школе как объект управления: дис. ... канд. пед. наук. СПб., 2002.
9. Мезенцева Н.В. Особенности педагогического целеполагания у учителей в зависимости от уровня их личностной зрелости // Теория и практика общественного развития. 2011. № 6. С. 95–101.
10. Эрнazarov, A. (2020). METHODOLOGY FOR MODERN ORGANIZATION OF TRAINING EDUCATION AND ITS IMPLEMENTATION. Scienceweb academic papers collection.
11. Ernazarov, A. E. (2016). Improving the effectiveness of educational activities based on problem-based learning technologies. Education, science and innovation.-Tashkent, 1, 86-89.
12. Ernazarov, A. E. (2021). Modern technologies of organizing educational activities. Innovations in pedagogy and psychology.-Tashkent, 5, 204-206.

13. Ernazarov, A. E. (2021). Innovative technologies and their practical application in the continuous education system. Urganch State University. Journal of scientific research.– Urganch, 8, 89-91.
14. Эрнazarов, А. (2020). METHODS OF MODERN ORGANIZATION AND IMPLEMENTATION OF TRAINING. Scienceweb academic papers collection.
15. Эрнazarов, А. (2020). Specific features of training. Scienceweb academic papers collection.
16. Ergashevich, E. A. (2023). Some Pedagogical Technologies Used in the Process of Organizing Training Sessions in Higher Education Institutions. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777), 1(9), 14-19.
17. Ergashevich, E. A. (2023). Analysis of the State of Use of Modern Teaching Methods and Technologies in Educational Institutions. Journal of marketing, business and management, 2(6), 7-12.